



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган



Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 66 (9.104)

1998 йил

8 июнь, душанба

Сотувда эркин нархда



ЗАФАРЛИК ОДИМЛАР

«Йилдан йил афзал» деганларидек бугунги кунда пойтахтимизнинг қок марказида жойлашган Миробод тумани кун сайин яшнаб ва ёшариб бормоқда. Мустақиллигининг етти йиллиги арафаси ҳамда Оила йилида улкан ютуқларга эришиш йўлида бор имкониятини ишга солиб меҳнат қилаётган кўп миллатли туман аҳолиси эртанги кунга қимматли ишонч билан борапти. Туман кексаю ёшининг фикру-зикри бир максатда: она-заминини гуллаб-яшнатиш, оилалар фаровонлигини ошириш, Ватан равақига муҳим хисса қўйиш, миллий қадриятларимизни янада юксалтириш, инсонга берилган моддий ва маънавий неъматларни унинг ўзига хизмат қилдириш ва шу асосда оилаларни мустахкамлашга қаратилган.

ни толган маънавий-маърифий масалалар доимо диққат-этиборимизда. Туманимизда ишга тушган «Тасвирий ойна» марказининг экспонатларида миллий қадриятларимизнинг ҳар бир қўрилиши ўз аксини топмоқда.

Ҳадемай, 110-мактаб қаршида «Туман маркази» қурилишини бошлаб юборамиз. Бунинг учун лойиҳа-смета ишларини тугатай деб қолдик. «Сариқўл» ва Абдулла Авлоний маҳаллаларида тўйхона ва отахонлар учун шинам гўшалар қуриш ишларини олиб борамиз.

Оилаларимизга қулайлик яратиш мақсадида «Госпиталь» мавзесидаги кўп қаватли уйлар атрофида ноқонуний қурилган темир гаражлар олиб ташланиб, бу жойлар болаларнинг ўйин майдончаларига, аҳоли дам олиш жойларига айланатирилмоқда. Автомобиль эгаларига қулайлик яратиш мақсадида Миробод деҳқон бозори тагидан — ер остидан шаҳар ҳокимлиги ёрдами билан 320 автомашина туриши учун жой ажратилди.

Аҳолини иш билан таъминлашга, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда йилнинг биринчи чорагида тумандаги 62 та корхона ва ташкилотда 600 иш ўрни ташкил этилганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Албатта, кўчаларимизнинг турар жойларимизнинг тозаллиги бизнинг юз-кўзимиздир. Шу тўғрисида ҳам эътибор қаратиш асосий вазифаларимиздан бири эканлигини ҳеч қачон эсдан чикармаймиз. Республика-миз Президентининг «Санитария қонунларини буз-




билан соғлом авлодни вояга етказишга ҳам муносиб улуш қўшамиз. Чунки келажгимиз бўлган фарзандларимиз ана шу даргоҳда камол топади.

Шу биргина сўхбат билан кенг кўламли ишларни айтиб тугатиш қийин, албатта. Биз тумани айланиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, унинг меҳнаткаш ва тадбиркор одамларининг юмушларига нигоҳ ташлаб, сўзларига қулоқ тутар эканмиз, улардан айримларини газетанинг 1, 2, 3-саҳифаларидаги мақолалар ва суратлар орқали ёритишга жазм этдик.

СУРАТЛАРДА: Афросиёб шоҳқўчасида қад ростлаётган супермаркетлар қурилиши кун сайин кизимокда; уни қураётган «Чирчиққурилиш» ҳиссдорлик жамиятининг 1-қурилиш қўшини раҳбарлари (чапдан) Евгений Юмакаев, бригадир Иван Похолок, пайвандчи Урол Зайнуллинлар иш ўстида.

Туманда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам эътибор катта. «Стан» кичик корхонаси, «Рута» ишлаб чиқариш савдо фирмаси, «Маяк» хусусий корхонаси каби тадбиркорлар ишбилармонлик билан меҳнат қилиб, республикамиз иқтисодига ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқда.

Шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизлар, ёш



Миробод тумани ҳокими Бахтиёр Мақсуджаевни қабулхонадан эмас, балки қизғин меҳнат жараёни ҳукм сурган Афросиёб шоҳқўчасидан топдик. Туман ҳокими билан ҳикоятимизни худди шу жойдан бошлашга қарор қилдик.

Кенг кўламли Оила йили дастуримыздан ўрин олган асосий ишларимиздан бири Афросиёб шоҳқўчасини қайта қуриш ва кўчанинг икки томонидаги бинолар ташқи кўринишини ўзига хос руҳда таъмирлаш эди. Мана қўриб турганингиздек, бугун қурувчиларимиз бу борада шижоат кўрсатиб, эртаю кеч тер тўкишмоқда. Мана шу кўчанинг икки томонидаги қурилишларга бир эътибор беринг. Бу ерда шаҳар ҳокимлиги қарори билан турли фирмаларнинг супермаркетлари қурилиши бошлаб юборилган.

«Госпиталь» мавзеси аҳолисини қишда етарли иссиқлик билан таъминлаш ниятида иссиқлик иншооти қуриб битказилмоқда.

Айниқса, уй-жойга муҳтож оилаларимизни эътиборга олиб, бу борада талай ишларни амалга оширмоқдамиз. Оила йилида 688 хонадон уй тўйлари ўткази-



«Челленжер» ҒОЛИБИ — ПАТРИЦИЯ ВАРТУШ

Мазотта — Цулугаларнинг рақиблиридан анча устун эканликлари ўзини давомда яққол сезилиб турди ва улар икки сетда 6/2, 6/1 ҳисобида ғалаба қозониб, мусобақанинг бош соврини соҳиб бўлди.

271лар ўртасида финал баҳси бўлиб ўтди. Шунинг таъкидлаш кераки, Вартуш жуда қўйин ярим финал ўрашларида турининг энг қўйин уинчиси — 122 рейтинг рақамли Харуна Инуе (Япония)ни учта сетда енгган қўқлик билан бошлади. 3:1 ҳисобида олдинга чиқиб олганидан сўнг эса унинг ғалаба қозониши учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Бирок ўзини қўқлик олган Вартуш бундан таъжубланмай ишга солиш ҳолда энг ва шиддатли

бўлса, Обзилар рақиби майдонга тушмаганини сабабли тўғридан-тўғри финалга чиқди. Бу эса кўп жиҳатдан руҳий устунлик учун Вартушга жуда қўқ келди.

Биринчи сет Вартушнинг 6/3 ҳисобидаги енгил ғалабаси билан тугади. Иккинчи сетни Обзилар жуда уш-

зарбалари билан сетни 6/3 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этди ҳамда учинчи сетда кўра турник ғолиби бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов бош соврин олган салатдон ҳамда 4.400 АҚШ доллари ҳақидаги муқофотни П. Вартушга топширганида қўқ ишқибозларнинг шо-

БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

ЯНГИ ЁШИЛЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАВАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россиянинг «ТВ-6-Москва» канали ҳамда Миллий телекурсувлар ассоциациясининг президенти Э. Сағалаев ҳамда телеканал директори ўринбосари, «Обозреватель» курсатуви шарҳловчиси С. Кучерни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари журналистларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти, кўлами, МДҲга оид саволларига атрофлича жавоб берди.
- Ўзбекистон Олимпия шон-шўхрати музейида дунёдаги энг баланд Эверест чўққисини забт этиб, у ерда Ўзбекистон Республикаси Давлат байрогини ўрнатган Ўзбекистон альпинистларини шарафлаш маросими бўлди.
- Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг қурултойида жамиятининг кейинги беш йилдаги фаолияти натижалари ва галдаги вазифалари муҳокама этилди. Анжуманда жамиятнинг янги таҳрирдаги Низомни қабул қилинди.
- Самарқандда халқаро туризм маркетинги ва халқ амалий хунармандчилигига бағишланган семинар ўтказилди.
- Олмалик қон-металлургия комбинатининг руҳ ишлаб чиқариш корхонасида янги маҳсулот — руҳ, алюмин, мис қотишмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир корхонада шундай маҳсулотдан 2 минг тонна тайёрланмоқда. Қўшимча қувватлар ишга туширилгач, бу рақам 5 минг тоннага етказилади.
- Тошкентга Европадаги бир қатор нашрларнинг вакилларида иборат журналистларнинг биринчи гуруҳи келди.
- Тошкент Давлат педагогика университети битирувчилари биринчи марта тест имтиҳонларини топширишди. Мамлакатнинг барча олий ўқув юртиларида синов тарихида тест усули ўтказилди. Тиббиёт институтларида бундай имтиҳонлар 25 июнда ўтказилади.
- Фарғонада мамлакат кимё саноатининг йирик маҳсулатидан бири фойдаланишга топширилди.
- Жиззахда «Аёл ва жамият» мавзюида семинар-кеңаш ўтказилди.
- Қўқонда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги биноси тантанали равишда очилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида бир гуруҳ экстремистик руҳда бўлган, ўзига ваҳҳобийликни ниқоб қилиб олган жиноятчиларнинг жиноий ишлари қўриб чиқилди. Судланувчи Тоҳир Бойдадаев, Раҳим Турғунов, Иброҳим Собитов, Одилоҳон Раҳматуллоев, Адам Отахонов, Илҳом Абдухалиловлар ўз жиноятларига иқдор бўлдилар. Судлов ҳайъати судланувчиларнинг таъба-тазарруларини, айбларига иқдор бўлаётганликларини инобатга олди ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ҳукм чиқарди. Ваҳҳобийлик ниқобиде шумғия ҳаракатлар қилган жиноятчилар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодий • Ижтимоий соҳа • Маданият

ЖАХОНДА

- Бугун Россия Президенти Борис Ельциннинг Германия Федератив Республикасига ташрифи бошланади.
- Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг наркотикларни назорат қилиш бўйича 20-маҳсул сессияси бўлиб ўтмоқда.
- Покистон Бош вазири Навоз Шариф Исломободнинг Ҳиндистон билан Қашмир муаммолари бўйича музокараларга тайёргилини билдирди ва Японияни бу ишда востачилик қилишга даъват этди.
- НАТО Бош қотиби Хавьер Солана Греция билан Туркия вакиллари музокаралар пайтида 1988 йилдаги меморандум қондаларига амал қилишга рози эканликларида мамнунит изҳор қилди. Бу ҳақда Брюсселда тарқатилган НАТО Бош қотибининг баёнотида айтилади.
- Бугун «АҚШнинг Болтик операциялари» деб аталувчи йиллик денгиз машқлари бошланади. Унда АҚШ ва Европаларнинг 12 мамлаката иштирок этади.
- Ҳиндистон ва Покистонга қарши қўлланган жазо чоралари Жанубий Осиё минтақасида ядро инқирози тўлиқ туғатилмагунга қадар давом этадиган бўлди. Бу ҳақда БМТ Хавфсизлик Кеңашининг доимий бешлигининг Женевадаги факуллода мажлисидан сўнг АҚШ давлат қотиби Малден Олбрайт маълумот берди.
- Бугун Туркменистон президенти Сапармурод Ниязовнинг Бирлашган Араб Амирикларига биринчи расмий ташрифи бошланади. Ушбу ташриф якуналари бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатларнинг имзоланиши кўзда тутилган.
- Нурота туманидаги маданият уйининг «Нуржон» ансамбли Германияга жўнаб кетди. 21 кишидан иборат ушбу ансамбль жамоаси у ерда ўтказиладиган учинчи халқаро фестивалда қатнашди.
- Перуда президент А. Фухимори янги бош вазирни ишга тайинлади. Кеңагина қўйилмаганда истеъфога чиққан соҳиб бош вазир А. Пандолфи билан президент орасидаги муносабатлар жуда яхши эди. Унинг истеъфого чиқиш сабаблари ҳозирча қоронғу бўлиб қолмоқда.
- Индонезияда ўтган ойда содир бўлган бир неча кўнлик оммавий тартибсизликлар оқибатида 1200 га яқин киши ҳалок бўлган. Шунингдек, тартибсизликлар оқибатида миңдан ортиқ катта-кичик дўконлар талон-тарож қилинган, биноларга ўт қўйилган, 100 дан ортиқ фуқарога эса тан жароҳати етказилган.
- Кеча эрталаб Покистондаги почта повозидан бирида бомба портлади. Қамийда 21 киши ҳалок бўлган ва 40 га яқин киши жароҳатланган. Тергов ишлари бошлаб юборилди.



Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик ишларини юритишда тadbиркорлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Шу ўтиш даврида меҳнат бозорини шакллантириш жараёнлари транспорт корхоналарида ҳам ўз амалий ифодасини топмоқда.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмасида бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ҳол хўжалик фаолиятини юргатишда ҳам яхши самаралар бермоқда. Уюшма негизида ягона хўжалик ҳисобидида марказнинг тузилиши ҳам аниқ мўлдоо бўлган эди.

Ушбу марказ иш бошлаганига мана беш йил бўлди. Уюшма бошқаруви марказнинг транспорт корхоналарида ҳисоб-китоб ишларини юрга-

лия-ҳисоб анча енгиллашди.

Марказ ҳузурда маркетинг ва реклама бўлимининг очилиши ҳам аниқ мўлдоо бўлди. Транспорт корхоналарида амалга оширилаётган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни ва турли маркетинг ишларини йўлга қўйиш билан шуғулланаётган бу бўлим кўлга киритаётган маблағлар уюшманинг молиявий имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда тахминан ойига 200 миллион сўм

Транспорт

Хўжалик юритишнинг илғор усулида

зишдаги муҳим ўрни инобатга олиб унга ўз соҳасининг тажрибали мутахассисларини раҳбарлар этиб тайинлади. Марказ директори Ш. Муҳамедхонев ҳам ўз касб-корини яхши биладиган мутахассислардан. У шу уюшмада кўндан бери малакали ишлаб чиқариш масъул ходими, иқтисодчи олим сифатида бу лавозимга дадил тавсия этилди. Беш йилдирки, у марказнинг кўп қиррали фаолиятига тadbиркорлик билан раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Хўжалик ҳисобидидаги марказнинг ташкил этилиши уюшма ҳаётида, унинг корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим воқеа бўлди, — дейди Ш. Муҳамедхонев. — Мавжуд транспорт корхоналари ва ташкилотларини молиявий ишони давр талаблари асосида юритиш, ҳисоб-китобларни аниқ йўлга қўйиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Аввал молиявий-иқтисодий жараёнлар тарқоқ ҳолда ташкил этиларди. Марказ ташкил топиши билан бундай тарқоқлик ва ортика сарф-харажатларга чек қўйилди.

Бугунги кунда биз ирик идора сифатида 6 мингга яқин корхона, ташкилот, фирма, ўқув юртига хизмат қилиб келмоқдамиз. Бинобарин, олти мингга яқин мижозлар билан алоқа боғлаб молиявий ҳужжатларни қайта режалаштириш ва уларни мақсадли равишда йўлга қўйишнинг ўзи бўлмайди, ахир. Банк идоралари билан кундалик алоқа боғланмоқда. Бунда компьютер қурилмалари яқиндан ёрдам бермоқда. Натияжада мо-

пул транспорт корхоналари ҳисобига ўтказилмоқда. Йўловчи транспортда фойдаланилаётган ойлик карточка-патталарини чиқариш орқали ҳам биз катта даромад кўрмоқдамиз. Бўлим метро, трамвай, троллейбус ва автобусларда турли корхоналар эълонларини тарғиб қилишга ҳам киришди. Кўзингиз тушган бўлса транспорт воситалари ён томонларида рекламалар ҳам пайдо бўлди. Бунинг учун ҳам ўзаро келишув асосида буюртмачилардан бизга пуллар ўтказилмоқда.

Биз беш йиллик фаолиятимизни сарҳисоб қилишга ҳам киришдик. Бу ишлар компьютерлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Бу ҳисоб-китоблар ишимизда янги йўналишларни йўлга қўйиш имконини беради, албатта. Техникавий жараёнлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, банклар билан яқин алоқада иш юритишга эришилмоқда. Бу ҳол корхоналардан берилган буюртмалар қай даражада адо этилаётганини ўз вақтида аниқлаш, қайси корхоналарда молиявий узилишлар юз бераётганини пайкаш имконини беради.

Ойлик карточка чипталарига бўлган талаб ортиб бормоқда, кўпчилик йўловчилар илтимосларини инобатга олиб, автобусларда юриш учун алоҳида ойлик чипталарни чиқаришга киришилди.

Хуллас, шу беш йил ичида ягона хўжалик ҳисобидидаги марказ фаолиятида кўп ўзгаришлар юз бериб, иқтисодий самарадорликка эришилди.

Акбар АЛИЕВ.

Анжуманлар

ФАРЗАНДЛАР СОҒЛИҒИНИ ҲАМ

Республика педиатрия илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман болаларнинг мурғаклигида учрайдиган ўткир вирусли юқумли хасталиклар мавзусига бағишланди.

Ҳозирги пайтда республикамизнинг барча минтақаларида болаларнинг ўлими камайганлиги кузатиш мумкин. Бироқ ҳамон биринчи ўринда ўлим боиси сифатида болаларнинг нафас олиш аъзоларининг, жумладан уларнинг зотилжам хасталиги билан оғришлари оқибатида рўй бераётганлиги кўзга ташланмоқда.

Профессор, педиатрия илмий-тадқиқот институтининг директори Дилбар Маҳмудова анжуман қатнашчилари бўлиш олимлар ва амалиётчиларнинг эътиборини болаларнинг мурғаклигида учрайдиган ўткир вирусли юқумли хасталикларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва уларни даволашни яхшилаш жиҳатларига қаратди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Ерқулов ўткир вирусли хасталикларни оғоҳлантиришда профилактика ишларига катта аҳамият берилиши муҳим омил эканлигини таъкидлаб, бу борада тиббиётнинг дастлабки бўгин

муассасалари бўлмиш амбулаториялар, тиббиёт пунктлари, поликлиникалар зиммасидаги вазифалар ҳақида гапирди.

Тиббиёт фанлари доктори У. Каримов, профессор Т. Кузнецова, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи М. Зияева ва профессор Х. Султоновнинг нутқлари ҳам болаларнинг мурғаклигида учрайдиган ўткир вирусли хасталиклар, бу хасталикларга вақтида ташхис қўйиш беморларни овқатлантириш масалаларига бағишланди.

Анжуманда қатнашган кўши хорижий мамлакатлардан келган тиббиёт ходимларидан тушган тақлифга мувофиқ ана шундай анжуманларни Марказий Осие минтақаси вакиллари иштирокида ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилинди.

Анжуманда Словениянинг «Лек Д. Д» кимё-фармацевтика заводи компанияси ишлаб чиқарган янги маҳсулотнинг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Элмира ЗАЙНУТДИНОВА.




• Туман бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1998 йилнинг биринчи чорагида 2 миллиард 74 миллион сўмни ташкил этди. Экспортнинг асосий қисми «Фотон», «Узэлектроаппарат», «Ўзтемирйўлтаймирлаш», «Ўзкимёфарм» ҳиссадорлик жамиятларига тўғри келган.

Энди эскича қолипда ишлаб бўлмаслиги мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча корхоналар учун ўз-ўзидан очик ҳақиқатга айланди. Харидорбоп маҳсулотлар яратиб ўз харидорини ўзи топган корхонанинг ошиғи олчи бўлмоқда. Шу билан бирга Президентимиз Ислон Каримовнинг «Қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмаган экан, унинг келажаги йўқ» деган гаплари ҳам бугун ўз исботини топмоқда.

Бу борада «Фотон» ҳиссадорлик жамиятида талайгина ибратли ишлар амалга оширилиб, замон талаблари асосида меҳнат қилишга эътибор қаратилмоқда.

— Замонавий технологиясиз яхши ва рақобатбардош маҳсулот турларини яратиб бўлмайди, — дейди корхона бош муҳандиси Анатолий Христич. — Корхонамиз цехларига Швейцария фирмасининг



• Оила йилида туманда 16 та кўп қаватли тузар жойлар бунёд этилиб, 688 хонадонда ҳовли тўйлари бўлиб ўтади.

Кўп қаватли уйлاردан жой олган Қобилжон бугун кўярада-қўймай «Дадажон, биринчи сиз кўринг» деб уйига бошлаб келгач, отаси севиниб кетди. Хоналарни бирма-бир кўрар экан, Қодир ота «Эй, уйнинг лойиҳачилари ҳам, қурувчилари ҳам барака топилсин» деб дуо қилди.

Ҳақиқатан ҳам «Госпиталь» мавзесида «Ўзуйжойхамфармабанк» буюртмасига асосан 8 та замонавий ҳамда миллий меъморчилик аъёналарини акс эттирган тузар жойлар Оила йилида кўплаб уй-жойга муҳтож оилаларни хушнуд этди. Ана шундай уйлاردан иккитаси кунчи кеча битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Хонадонларнинг калитларини бир олам севиниб билан қабул қилган уй соҳиблари унинг бунёдкорларига қинакамига миннатдорчилик билдиришди.

— Уйлар лойиҳасида

Кўриш Кўрган Кўзни Қувнатади



хонадон эгалари учун барча қулайликлар акс эттирилган, — дейди 29-уйнинг бош пудратчиси, «Сифат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Иждоқи» қурилиш-тиклаш ишлари бошқармаси ишбосиси Содиқ Қурбонниёзов. — 4 қаватли 3, 4 хонали бу хонадонлар кенг ва шинам, икки тарафида пешайвони бор, ошхонаси талабга жавоб беради. Қисқаси,

ўзбекда нима кўп, тўй ва яхши йигинлар. Ана шундай шарқона урф-одатларимизни ўтказишга жудаям қулай. Дераза ромлари ўзбек-британ кўшма корхонасида тайёрланган, бинонинг томи эса черепица билан ёпилган. Биз қурувчилар ана шундай чиройли, файзли уйлارни қуриб, оилалар дилини ёритаётганимиздан бениҳоя фахрланамиз.

16 хонадонга мўлжалланган 29-уй жуда қисқа муддатда, лекин сифатли қилиб бунёд этилди. «Иждоқи»нинг 52 нафар тажрибали ва кўли гул усталари 2 сменада фидокорлик билан меҳнат қилишди. Уларга 44-қурилиш бошқармаси, 1-хўжалик ҳисобидидаги пардозлаш бошқармаси бўёқчи, сувқочи, дурадгорлари ёрдам беришди. Ободонлаштириш ишлари ҳам кенг қулабда амалга оширилиб, «Тоштрансмаксус-қурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 2-қурилиш бошқармаси қурувчилари барча юмушларни маромига етказишди.

Хуллас, илк хонадонларда ёнган чирок бунёдкорларнинг ҳам дилларини равшан этди. Йил охиригача ана шундай равшан чироклар ҳали юзлаб хонадон эгаларининг қалбига нур олиб кириб, Оила йилининг қувончларидан баҳраманд этди.

СУРАТЛАРДА: ишбоши Содиқ Қурбонниёзов (чапда), гишт терувчи Муҳаммад Ботиров ҳамда дурадгор Вениамин Харитонов (ўртада)лар ўз ишларидан мамнунлар, 29-ва 31-уйларнинг қурилиши нафақат хонадон эгаларини, балки кўрган кўзни қувонтирмоқда.

ҲАМКОРЛИКДАН САМАРА

Саноат

янги жиҳозларини ўрнатгач, маҳсулотимиз турлари ҳам кўпая борди. Энди корхонамиз нафақат қисмлар тайёрлаб беради, балки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратдик. Янги техноло-



гия асосида пластмасса корпусларни тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик.

Ҳиссадорлик жамиятида ўтган йилнинг охири чорагида Япониянинг «Сони» фирмаси билан ҳамкорликда рангли телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги қувонарли ҳолдир.

— Биз ўзимизга шундай ҳамкор топганимиздан жуда мамнунмиз, — дейди Анатолий Николаевич ўз сўзини давом эттириб. — Ҳозирда улар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган 55 см диагоналдаги рангли телевизорларимиз ўзининг сифати ва харидорлиги билан ажралиб туради. Яна биз яқин кунларда ҳамкорларимиз билан охириги моделдаги 62, 72 см. диагоналдаги рангли телевизорларни ишлаб чиқаришни кўзда тутганмиз. Дунёнинг деярли ярим аҳолиси ана шундай телевизорлардан фойдаланишни назарда тутсақ, биз ўз ишимиз билан фахрланамиз.

Хорижий шериклар билан ишлашда тажриба орттираётган фотончилар Россиянинг Александр шаҳрида жойлашган илмий-техиринститут мутахассислари билан ҳам ҳамкорликни мустақкамламоқда. Улар биргаликда яқин кунларда кўриниши чиройли,

янги замонавий моделдаги оқ-қора телевизорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Бунда харидор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бу телевизорнинг анча арзонлиги, айниқса дала-ҳовли, ошхоналарга қўйиш учун қулайлиги, шифокорлар таъбири билан айтганда киши саломатлиги учун ҳам, (яъни масофа сақлашда) зарари камлиги эътиборга олинган.

Бу корхона цехларида тайёрланаётган электрон касса аппаратларига бугунги кунда жуда кўп буюртмалар тушмоқда. Бу аппарат олдингисидан қайд қилувчи хотираси билан фарқланади. У қайси вақтларда ишлатилмаганлигини эслаб қолиш ва кўрсатиб бериш хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Европа технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотта талаб ушбу кунларда катталиги туфайли ҳам ойига 3000 тадан тайёрланмоқда.

Бу харидорғир маҳсулотга Туркманистон, Қозоғистон давлатлари ҳам харидор бўлишмоқда. Аммо, ҳозирда фотончиларнинг асосий вазифаси, аввало мамлакатимиз ички бозорини сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан таъминлашга қаратилган. Фақатгина Россия Федерациясида 600 миң касса аппаратини алмаштириш лозимлигини назарда тутсақ, албатта корхона жамоасининг етарли харидорлари топилишига ишончимиз комил.



Ўзбекистон Мустақиллигининг 1998 — Оила йили

Туманлар йўналиши: МИРОБОД



Тadbиркорлик

НИЯТИНГИЗ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг тadbиркорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қатор Фармонларига жавобан туманда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси томонидан 1732 та тadbиркор рўйхатга олинган. Уларнинг асосий мақсади Мустақил давлатимиз раънакига муносиб улуш қўшишдир.

«Ўзбекистон темир йўллари» ҳиссадорлик жамиятига қарашли маиший хизмат уйи жамоа корхонасига айланганига ҳақиқат бўлгани йўқ. У эндиликда «Ариаднаннинг кумуш

ниятимиз кўшма корхона очилди. Жамоа корхонасининг яратувчан ва янгиликка интилувчан модель яратувчилари томонидан яратилган янги нусхадаги устки кийимлар Италиядан келтирилган сифатли хом ашёдан тайёрланди ва ҳозирда Париждаги кийимлар кўرғазмасига қўйилган.

Бу янги маҳсулот турларини тайёрлаб, уни экспортга чиқариш меҳнат аҳлининг бу йилги режаларининг асосини ташкил этди. Бунинг учун эса корхона янги технология билан жиҳозлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

— Ўзимиз учун керакли кадрларни ҳам шу ерда тайёрлаймиз, — насиди нафақат темир йўл ходимлари ва метрополитен хизматчилари учун кийим-кечаклар тикилади, балки улар янги-янги замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб, аввало мамлакатимиз аҳолисини сифатли кийим-кечаклар билан таъминлаш, сўнгра чет эл бозорига чиқиш ниётида меҳнат қилишмоқда.

— Жамоамизнинг қўли гул уста ва тикувчилари томонидан тайёрланаётган пальто, куртка ва костюмлар нафақат республикамизда, балки чет элларда ўтказилаётган замонавий кийим-кечаклар кўрғазмаларида муваффақият қозонмоқда, — дейди Жамоа раҳбари Ахбор Хўжаев. — Биз бунга жамоамизнинг 70 нафар ишчи-хизматчисининг интилиш ва изланишлари туфайли эришмоқдамиз. Шартнома мажбуриятларини эса ўз вақтида бажараётганимиз ишимиз ривожига асосий омил бўлмоқда. Ҳозирда хорижнинг бир нечта фирмалари билан ҳам ҳамкорлик қилиш режаларини тузаямиз. Оила йилидаги энг эзгу

нинг учун мутахассисларимиз етарли. Сифатга асосий эътибор қаратишни ҳар бир ишчидан талаб қиламиз.

Яхши ниёти ҳамиша ўзига йўлдош, юртимиз доғруғини жаҳонга ёйиш орсуси йўлида изланаётган бу тadbиркорларга доимо омад қулиб боқсин.

СУРАТЛАРДА: тикувчеҳи ёшлари ишга чанқоқ; моҳир уста Анатолий Гиллер бор тажрибасини шогирди бичиқчи Алексей Ларинга ўргатмоқда; Нелля Зиганшина етти ўлчаб бир кесади.



- 1 -

• Туманда жамъи 41367 та оила бўлиб, уларнинг фаровон, тинч-тотув ҳамда бахтли яшашлари, соғлом фарзандларни вояга етказишлари борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Биз бу оила билан шахар ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган «Бахтли оила» кўрик-танловининг туман ўрамлари ўртасида бўлиб ўтган тадбирида танишдик ва уларнинг чинакама бахтлилигининг воқоғи бўлди.

— Академик Турсунбой Рашидовлар оиласини нафақат Миробод туманида, балки бутун республикада танишади, — деди туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Моҳира Раҳимбердиева.

— Турсунбой аканинг эл-юрт фаровонлиги йўлида қилган ва қилаётган ишлари ҳақида жуда кўп гапларни айтиш мумкин. — 1951 йилда 154-мактабни, 1959 йилда Тошкент Давлат университетининг физика-математика факультетини тугатган, бутун ҳаётини ва ижодини республикамизда қурилатган иншоотларнинг зилзилабардошлигига бағишладим десам ҳам бўлади, — дейди Ўзбекистон

- 2 -

сида хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номли Давлат мукофоти унвонларини олишдек шарафга муяссар бўлдим. 15 дан ортққ монография, 200 дан ортққ илмий мақолалар ёздим. Индальосини айтадиган бўлсам бу муваффақиятларга ўз меҳнатим, қолаверса турмуш ўртоғим Ҳакимахоннинг кат-

- 3 -

кент политехника институтида талабаларга физикадан сабоқ бериш билан бирга 5 фарзандни камолга етиштирди. — Ота-она ишда бўлсак ҳам фарзандларимизнинг нима билан машғулликларидан доимо хабардор бўлардик, — дейди Ҳакима опа. — Уларни ҳамиша илм

- 4 -

бирларда маҳалладош, кўни-кўшилардан ёрдамини аямайди, керак бўлса ўзи бошчилик қилади. — Сила ҳам бир кичик Ватан, — дейди Турсунбой ака. — Ана шу Ватанда қонун-қоидалар мустаҳкам бўлса, ўзига хос яхши хусусиятлар мужассам бўлса, албатта, бу ерда ўз-ўзидан яшаш, яшариш бўлади.

Бу борада йўлбошчимизнинг 1998 йилни Оила йили деб эълон қилганлиги жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимиз мустаҳкамлигини, равнақини таъминлашда оилаларнинг роли жуда каттадир.

— Мана шундай бахтли оила қуриб, эл-юртга ибрат бўлишнингизда кимнинг роли каттароқ? — сўраймиз Ҳакима опадан.

— Албатта бирдай ҳаракат қилдик. Болаларимизнинг қувончи, ташвишларига биргаликда суюндик, биргаликда кўндик, — дейди Ҳакима опа қулмириб. — Менимча, оила мустаҳкамлиги учун эр-хотин баб-баробар масъулдир. Мана энди беш фарзанд, 14 неваранинг ардоғидамиз.

Икки ўғил Искандар ва Анварлар — физика-математика фанлари номзоди, ота йўлидан бормоқда. Бахтиёр — тадбиркор, Шоҳида — ўқитувчи, Гўзал — шифокор. Барчаси ўз оилалари билан тинч-тотув яшаётганидан ота-оналар мамнун. Уларнинг барчаси йилган кунлари эса хонадон қувончу шодлиқларига тўлиб кетади. Зеро шодлик бўлган хонадондан ҳеч қачон бахт аримайди.

СУРАТДА: оила аъзолари жамулжам бўлса, юзларда меҳр балқийди.

БАХТГА ТЎЛГАН ХОНАДОН



та ёрдамлари туфайли эришимиз...

Халқимизда муқаддас гўша ҳисобланган оила тинч

олишга, одобли бўлишга ундардик. Худого шукр, мана бугун меҳнатларимиз мевасидан баҳрамандимиз.



1998 — Оила йили

Ўзбекистон Мустақиллигининг еттинчи йилмига олдиган

Туманлар йўналиши: МИРОБОД

Республикаси Фанлар академиясининг механика институти бўлим мудири, академик Турсунбой Рашидов, — Ўзбекистон Республикаси

бўлсагина хонадон соҳибининг кўнгли хотиржам, ишлари ривож топади. Турсунбой ака билан бирга ўқиган ва уни тўри тушунган Ҳакима опа ҳам 35 йил Тош-

«Сарикўл» маҳалласида уларни ибратли хонадон сифатида қадрлашади.

Турсунбой ака юмушлари жуда кўп бўлишига қарамай, ўтказиладиган барча тад-

• Туман халқ таълими бўлимида 2001 йилгача мўлжалланган кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ривожлантириш истиқбол режаси ишлаб чиқилди. Бу режада муассасаларни ривожлантириш таҳлили, туман аҳолисининг демографик ўсиш рақамлари, 6-7 ёшли ўқувчиларнинг сони, педагогик мутахассисларга эҳтиёж, умумтаълим мактабларининг тизими, моддий техника негизини мустаҳкамлаш ўрғаниб, таҳлил қилинди.



лар танлаб олинади. Шунингдек, бугунги кунда мактабда «Асакабанк» ҳомийлигида банк синфлари фаолият кўрсатиб, бу синфларда иқтисодий билимлар чуқур ўргатилиб, банк соҳасининг мутахассислари тайёрланади. Кейинги йилга эса унинг илк 25 нафар калдирғочи учирма қилинади. Бу синф ўқувчиларига мактабнинг ва олий ўқув юртининг малакали педагоглари билан биргаликда туман банки мутахассислари ҳам сабоқ беришмоқда.

Хуллас, бу педагогик жамоатимизнинг мақсади мамлакатимиз равнақига муносиб улуш қўшадиган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга муносиб улуш қўшишдир.

СУРАТЛАРДА: банк синф ўқувчилари компьютер сабоқларини севиб ўрганишади; синф раҳбари Маъмура Мухитдинова ўқувчиларга яқиндан кўмак беради.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

214-мактаб директори Малика Ҳозиева мактабда олиб борилаётган таълим-тарбия ишларига батафсил тўхталиб, мактабнинг асосий вазифаси шу кунларда юртимиз фарзандларига жаҳон андозалари даражасида билим бера олиш эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ана шу асосда педагогик жамоамизнинг махсус режа ва дастурлари бор, — деди у. — Мактабимизда 1200 нафар ўқувчи таълим олади. Шулардан 62 таси бу йил 11-синфни муваффақиятли якунлашди. Махсус синфларимиз бор. Бу синфларга энг иқтидорли ўқувчи-



Туманда 39 та маҳалла бўлиб, бу Ватан ифтихорида яшаётган маҳалладошлар ҳар бир ишда бир-бирига камарбаста ва ҳамкор.

Маҳалла Топганингиз Тўйга Буюрсин!



Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ва мос ўрф-одатлари, ўзига монанд кўрамлиги, ана шу кўрамлики бунёд этувчи одамлари бўлади. Маҳалланинг яна бир жиҳати борки, бу ерда ҳеч кимнинг мансаби, ҳунари, миллати, вазифаси суриштирилмайди. Чунки бу масканда одамларнинг бирдек кўрадилар. Чунки унинг номи — маҳалладош. Яна бир эъзозли томони, маҳаллада доим катталар аъзолари, тўй-маъракаларнинг турaida, кичиклар эса уларнинг хизматларига шай бўлибдилар.

Биз Мирободнинг файли маҳаллаларидан бири «Файнобод»да бўлганмизда бунинг яқол гувоҳи бўлдик. Айниқса, маҳалланинг саранжом-сарихалиги, маҳалладошларнинг ўзаро иноқлиги киши дилига ўзгача задал солади.

Ҳар нарсанинг ўз номига яраша бўлгани яхши-да, — дейди маҳалла оқсоғи Тўхталиев Соҳибқор. — Маҳалламизда 4100 нафар каттао кичик 600 хонадонда 860 та оилада яшайди. Сила йилда 12 бўлимдан иборат маҳалла дастуримиз асосида талайгина ишларни олиб бораётимиз. Кўн-тамиз аъзоларининг савий-харакатлари билан бирорта оила эътиборимиздан четда қолмайди. «Меҳмон келса тўйга», деганларидек, келинг, яхшиси сизни маҳалламиздаги бир муборак тўйга олиб борақолай.

Биз борган хонадон соҳиблари бугун ўзларининг турмуш қурганларининг 50 йиллик олтин тўйини нишонлашаётган экан. Ҳақиқатан ҳам, ўзбегимизнинг энг унутилмас кўни бугун. Дастурхони хамиша очик бу хонадон соҳиблари Иброҳим ота Бозорбоев ва Хайрниса авлар ҳаётининг аччиқ-чўчқуларини унутиб, фарзандлари камолдан мамнун ҳолда турда-хурमतда. Маҳалланинг кеҳсао ёши файли хонадоннинг ҳам меҳмони, ҳам мезбони. 9 фарзанд, 9 дилбанд — ота-оналари атрофида парвона.

Уларга билдирилган табрикларнинг кети йўқ, фарзандларининг бугунги юмушларини ифодалашга сўз ажизлик қилади. Фарзандларининг ҳаммаси ҳам ўз йўлини топиб олган. Уларнинг 50 йилдан бунинг бўлаётган тўйи, Хасан — савдо ходими, Зўҳра — шифокор, Арофат — журналист, Марҳамат — тарбиячи, Каромат — ҳуқуқшунос, Рустам — ишчи, Расулжон — ҳайдовчи, Шарофат эса — тигувчи.

Иброҳим ота 17 ёшида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, эсон-омон она шаҳарларига қайтганлар. — Турмуш ўртоғингиздаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? — деган саво-лимига отахон: «Саранжом-сарихонлиги, меҳрибонлигини, болажонимга пазандалигини, эй, ангийннинг яхши хислатлари жуда кўп!» деб жавоб бердилар. — Иброҳим ота нафақат ўз фарзандларини, балки отадан етим қолган икки ўка, икки синглини ҳам ўз болаларидай тарбиялаб, ўқитиб, уйли-жойли қилганлар, — дейди маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Нортожи Дўстматова. — Буларнинг оиласидаги меҳр-оқибатта, тотувликка бугун ма-нашга тўзда далолат. Чекрасида чинакама бахтлилик акс этган онахон-отанинг оналарини доимо ўғли ва келинини дуо қилардилар. Чинданам ота-она олқушини олганлар кам бўлмаслигини шу оила мисолида кўриш мумкин.

Шу кун ота ва аянинг шаънига юзлаб табриклар янгради. Уларнинг барчасида «Хаммаки ҳам шундай бахтли кунларга етказсин» деган сўзлар айтилди, ойдин-ёруғ, кўшадий иссиқ тилаклар билдирилди, қўшқлар, рақсларга тўзда далолат. Чекрасида чинакама бахтлилик акс этган онахон-отанинг Оила йилидаги орзуларини эшитдик.

— 27 нафар набиралардан 5 нафари балоғат ёшида. Ниятимиз — кўтүл Оила йилида уларни ҳам уйли-жойли қилиш. Биз сингари бахтли бўлиб юришганини кўрайлик, болам.

Оқ ниятлар, оппоқ ниятлар... Ана шундай онахоннинг табарруқ ниятлари биз файзоободликка ҳам тиладик.

СУРАТДА: Иброҳим ота ва Хайрниса авлар набиралари ардоғида.



• Тумандаги 40 та болалар боғчасида кичкин-тойларнинг яйраб ўсишлари учун барча шароитлар муҳайё.

— Қизингнинг бироз иситмаси бор, шифокор чакриш керакми-кан, болам, — ишга отланаётган Манзурага тикилди меҳмон бўлиб келган она.

— Ойи, сиз сираям хавотирланманг, боғчага ташлаб кетаман, у ердаги шифокорларнинг ўзлари даволашади, — деди Манзура унга жавобан.

— У қанақа боғча экан, касал болани олиб қоладиган... ажабланди Ҳакима опа.

— Худди шундай, — дейди тумандаги 247-болалар боғчаси му-



Соғлом авлод учун

БОПА КУПСА — ОПАМ КУПАДИ



дираси Лилия Саидкулова. — Бизнинг боғчамизга қатнайдиغان кичкин-тойларнинг оналари «Касаллик варақасига» чиқишмайди. Биз болаларни боғчада ўзимиз даволаймиз.

Болалар боғчасида бўлганмизда бунинг яқол гувоҳи бўлдик. Шифокор Ольга Чередииченко ва ҳамшира Нина Романовалар болаларнинг ҳақиқий гамҳўри эканлар. Шифокорнинг масаҳатлари асосида ҳамшира ҳар бир муолажани ўз вақтида олиб боради.

— Оиланинг тинч ва бахтли яшашда фарзандлар соғлиги асосий ўринда туради, — дейди шифокор Ольга Чередииченко. — Бизнинг боғчамиздаги кичкин-тойларнинг соғлом ўсишлари учун барча шароитлар мавжуд. Бу, албатта, ота-оналаримизнинг унумли ишашлари учун муҳим ҳисса қўшмоқда.

Боғчада турли тўғарақлар мавжуд бўлиб, айниқса, драма, рақс, расм, спортнинг кўпгина турлари бўйича машғулотларда болалар қизиқишига қараб шугулланишмоқда. Шунингдек, бу ерда таълим-тарбия жараёнида ҳам жиддий ихсолотлар амалга оширишмоқда. Болалар энг малакали педагог-тарбиячилар раҳбарлигида инглиз, немис ҳамда ўзбек тилини ўрганоқдалар. Иқтисод дари ҳам тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг энг сеvimли машғулотларидандир.

Бу сўлим масканда тарбияланаётган 240 нафар кичкин-тойнинг ҳар бири ҳаракати, бажараётган иши эътиборда. Ольга Моисеева, Любовь Опанасец, Светлана Чернишева, Ирина Фролова сингари тажрибали мутахассислар жажжи-ларни асло зериктирмайдилар.

— Ҳар бир боланинг ўзига яраша қобилияти бор, — дейди муди-ра, — уни шакллантирадиган, тўри йўлга соладиган энг биринчи маскан, менимча, болалар боғчаси. Биз бунга жуда катта эътибор қаратамиз. Шу туфайли бўлса керак, бизнинг боғчамизда тарбияланадиган болаларнинг кўпчилиги мусика мактабларига имтиҳонсиз қабул қилинганлар. Фақатгина Оила йилида эмас, ҳар доим оилаларнинг қувончи бўлган болаларнинг соғлом ва баркамол тарбиялаш бизнинг биринчи вазифамиз.

Боғча тарбияланувчилари жуда кўп нарсаларда илғор. Сузич, гимнастика бўйича ўтказилган шахар мусобақаларида, «Санъат байрамида» бу йил ҳам биринчиликини қўлга киритишди. Расм тўғараги аъзоларининг ишлари Франция, Украинада бўлиб ўтган болалар ра-смлари кўргазмасида муносиб ўрин олган.

— Ҳа, бу масканда нафақат болалар кўнгли, уларнинг ота-оналари кўнгли ҳам шодликка, нурга кўмилган.

СУРАТЛАРДА: боғча ҳамшираси Нина Романова боланинг соғлигини даволашга ҳабардор, сузиш ҳав-засида кичкин-тойлар мазза қилиш-ди; педагог Ольга Моисеева ўт-казган спорт машғулотида қатнаш-ши доимо мароқли.

Миробод туманига бағишланган материалларни Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади. Сураатларни Рустам Шарипов тасвирга туширган.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ақл-заковати, одамийлиги, ўзининг ва ўзганини шахсини қадрлай билиши, зарур пайтда ёрдамини аямаслиги, бағри кенглиги, мустаҳкам иродаси билан кишиларнинг хурмат-эътиборига сазовор бўлади, уларнинг қалбидан бир умрга жой олади. Таниқли олим Ҳайдар Пўлатов ана шундай қомил инсонларнинг бири эди.



дар Пўлатов «Миллий уйғониш давлати», «Мустақиллигимиз қадриятлари», «Мустақиллик масъулияти» каби илмий ва ҳаммабоп мақолаларида қатор назарий муаммоларни илмий тарзда очиб беришга эришган. «Бизнинг янги мафқурамиз инсонпарварлик мафқураси бўлиб, унинг мақсади мустақил Ўзбекистонда чинакам инсоний жаҳият қуриш ва ижтимоий баркамол инсонни тарбиялаш бўлмоғи керак» деб ёзган эди.

«Фалсафа ва гуманизм муаммолари», «Иж-

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИСИ

олиб киргандек бўларди. У киши зарур пайтда ўта жиддий, лекин ўрни келганда ҳушқа-чаклики, ҳаётдан завқ-ланиши, ижод қилиш-ни жуда севади.

Истиқлолга эришганимиздан кейин мафқура масаласининг кун тартибига қўйилганини бир эсга олайлик. Ҳайдар Пўлатов 1991 йилда «Мулоқот» журналида «Ўзбек мафқураси» номли илмий асосланган, долзарб мавзудаги мақоласини эълон қилганда баъзилар: «Воҳаж, ўзбек мафқураси ҳам бўлиши мумкинми?», — деб ҳайрон бўлиб юришганда муҳтарам йўлбошчимиз Ислам Каримов миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш мустақил-лигининг энг зарур масаласи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ягона коммунистик мафқура ҳукмронлик қилиб келган вақтларда миллийлик ҳақида ёзиш, уни ҳимоя қилишга ҳамма ҳам журъат эта олмас эди. Бунга журъат қилганлар миллий чекланганликда айбланар, турли йўл ва усуллар билан таъқиқ қилинар эди. Ўзининг эркин фикрига эга бўлган, эркин фикрлашни севаган ҳамда эркин фикрини баён эта оладиган кишиларни бениҳоя қадрлаган Ҳайдар ака ўз халқига, Ватанга содиқ олим сифатида ўшандай мураккаб даврда ҳам миллийликни ҳимоя қилишга, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий масъулиятни шакллантиришга куч ва ирода топа олди.

Ҳайдар Пўлатов фикрлаш доираси кенг, хатти-ҳаракатлари, фазилатлари билан бошқаларга ўхшамайдиган, бировга тақлид ҳам, ҳушомад ҳам қилмайди-ган ғурури банд инсон эди. Шунинг учун ҳам у кишининг айтаган ҳар бир сўзи, қалами остидан чиққан ҳар бир фикрига илмий жамоатчилик бефарқ қарай олмасдан, ўзининг у ёки бу тарздаги муносаба-тини билдиришга ҳаракат қиларди.

Ҳайдар Пўлатов мустақил Ўзбекистон давлатининг маънавияти, мафқураси, маърифатига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ҳай-

домланинг шоғирдари ҳам сероб. У киши раҳбарлигида олимлик даражасига эришган илм толиблари бугун мустақиллигимиз қадриятлари билан муваффақиятларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳайдар Пўлатов ҳаётлигида одамлар қалбига жо этган ибратлари, сабоқлари улар дилдан ўчмайди. Истиқлол фидойиси бўлган Ҳайдар Пўлатов одамлар ёдида ғурури банд, ўз миллатининг содиқ фарзанди сифатида яшайди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Аёл дёнати ёки молу дунёси ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен дёнатлисини танлагин, барака топгур!

Хадисдан!

Киз бола оила қуришга тайёрланар экан, оналаримиз кўпроқ уларни, биринчи навбатда оилада ўз ўринларини билишлари лозимлигини таъкидлашлари зарур. Халқимизда «Аёл эрақдан андак пастроқ туриши керак», — деган гап бор. Яъни аёл эрақдан заифроқ, нозикроқ, мулойимроқдир. Эрақ

Нуқтаи назар

КУШНИНГ УЯСИ ҲАМ БУЗИЛМАСИН

кишининг қадди-басти, салобати, овози кескин, феъли ўзига хос. Эрдан паст туриш дегани, бу хокисорлик эмас, балки одобдир.

«Мен турмуш қуриб, ҳеч қанча яшамай ҳазон бўлган бир оилани биламан. Нодира оилада тўрт акадан кейинги жуда эрка киз бўлиб ўсди. Олий маълумотли ўқувчи. Вақти-соати келиб, у ўз удулларимиздан кўра, кўпроқ ҳисоб-китоб билан турмушга чиқди. Келинчаки яхши яшайди дея олмайман. Чунки у чимилдиклик ёқини эридан устун тутта бошлайди. Бир ҳафталик келин қайнона-қайномага ақл ўргатиб ўй тутишда, рўзгор қилишда учрайдиган қанчиларни безбетларча гапириб, уларга ўз оилаларида бошқача ҳаёт эканлигини, бу оилада ҳам шундай бўлиши лозимлигини таъкидлар эди. Кўёвни эса қандай қилиб бўлса-да, минг орзу-ҳавас билан келин туширган она бағридан тортиб олиб, акалари олиб берган уйга олиб чиқиб кетиш мақсадида бўлар-бўлмас гаплар чиқариб, жанжал чиқара бошлайди. Қайнонани майдагапликда, қайнона ва қайинсингилларни кўролмасликда айблади. Йигит бечора икки ўртада гаранг.

Хадисларда ёзилишича, «Одамлар ичиде хотин кишига нисбатан ҳақироғи унинг эридир. Эрақ кишига нисбатан одамларнинг ҳақироғи унинг онасидир». Ҳеч бир она болам бахтсиз бўлсин, яхши ниятлар билан қурган оиласи бузилсин, фарзандлари тирик етим қолсин демайди. Халқимизда «Қушнинг уяси ҳам бузилмасин» — деб айтилишида катта ҳикмат бор. Бир қосиб йигит маъноли ва фазилатли бир кизга уйланибди. Турмуши анчайин тиклиниб, эл орасида обрў-эътибори ортибди, дўст-родоарлари кўпайибди. Аёлнинг истаги билан ўқиб, илм олибди, амал мартабасига кўтарилибди. У иш билан шу даражада банд бўлибдики, кекса, бетоб онасидан ҳанбар олмай қўйибди. Унинг «Онам хотиним-

нинг эъзозиде» деган ҳаёли пуч эди. Аёл эса кекса қайнонасини ярим вайрона кулбада ўз ҳолига ташлаб қўйибди. Йигит онасининг ҳолига ниҳоятда ачинаиб, аёлга дебди:

— Сен онами нега шу ҳолатда ташлаб қўйдинг?
— Ёш болаларимизга қарайми ёки онагининг ҳолидан хабар олиб, ифлосини тозалайми? Эрта кетиб кеч қайтасиз, ҳолинг қандай деб сўрамайсиз.

— Агар онамининг оғирлиги тушиб, сенга малол келадиган бўлса, айт, энага ёллай.
— Энди бир камим бир оёғи гўрда онагининг ташвиши қолиб, энаганинг қош-қовоғига қарайми? Кераги йўқ. Майли, онангизга меҳмонхонадан жой қилиб бераман.
Аёл айтганидек, қайнонасини меҳмонхонага кўчириб ўтибди. Бироқ йигитнинг дўстлари меҳмон бўлиб келганда кичик хоналардан бирига жой тайёрлайдиган бўлибди. Дўстлар бунга кўнкулмай, аста-секин бу хонадондан қадмаларини ўза бошлабдилар. Йигит аёлни яна қойибди:

— Сен мени дўстларимдан бездиряпсан.
— Тавба, ё мени, ё ёру дўстларингизни ёки онангизни денг!

Шундай кунларнинг бирида иттифоқо дарвеш қиёфасидаги бир чол ташриф буюриб, кампир ётган кулбага кирибди. Бу ҳол икки-уч маротаба такрорланди. Сўнгра ақл бовар қилмас ҳол рўй берибди. Кечаси кампир исзис йўқлибди. Йигит онасини кўп излабди.

Бир куни туш қўрибди. Тушида отаси: «Онагни сенга ишониб қолдирган эдим. Ишончимни оқлай олмадинг», дебди. Йигит хотинидан воз кечибди. Лекин онасининг меҳрини бошқа кўрмабди.

Нодира ҳам жуда қисқа уйлаган эди, турмуш ўртоғи ундан воз кечди — ўн беш кунлик келин кўч-кўрони билан яна онасининг кенг бағрига қайтиб келди. Уларнинг оиласида онаси ҳукрон эди. Отаси унинг айтган гапидан, чиқган чизигидан чиқмасди. Нодира ҳам худди шу йўлни танлаганди. Аммо азал-азалдан Шарқда эрақ оиланинг бошлиғи, устун бўлиб келган. Унинг айтгани-айтган, дегани деган бўлган. Жуда кўп оилавий баҳсларга сўнгги нуктани эрақ қўйган. Бу билан аёлнинг бирор ёри қамайиб қолмаган. Фақат эрақ аёлга нисбатан ҳам кучли, ҳам ёши катта, бағри кенглиги учун таомил шундай бўлган.

Нодиранинг турмуш ўртоғи хотинининг макрига, бойлиғига учиб, ота-онасидан, ўз жигарларидан юз ўгирмади, аксинча Нодиранинг баҳридан ўтди. Халқимизда аввал аёлнинг, сўнгра онанг қақирса, биринчи она қақирғига лаббай деб жавоб бергин, дейилгани бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, оиладаги энг асосий нарсаси бир-бирини тушуниш, қадрлаш ва эъозлашдир. Оилани асраш, эрақларни оиладан бездирмаслик аёлларга боғлиқ. Шундай экан, биз аёллар оиламиз қалқони, соҳибларимиз унинг посбони бўлсинлар.

Маъмура РҶЗИЕВА.

ҚАЛБИДА ШЕЪРИЯТ БУЛОҒИ



Абдулла Шоносировнинг касби одамлар учун энг зарур — шифокорлик. У 30 йилдаки, кишиларнинг соғлиғи учун курашиб келади. Хали мактаб партасида эканида тугилиб ўсган Чимён тоғи манзараларининг шеъргои сола бошлаган эди. Лекин ўртоқларининг кистови билан ўрта мактабни тугатган, ўзи орзу қилган филология факультетига эмас тиббиёт институтига ҳужжатларини топширди. Йиллар ўтиб, моҳир жарроҳ бўлиб етишди. Лекин шеърятга бўлган ошуфталиқ уни асло тарк этмади. Хордик чокларига дилидаги туйғуларини қоғозга тушираверди.

Абдулла ака «Ўзим учун шеър ёзаман» деб таъкидлайди. Лекин унинг қўлидан шифо топган ўнлаб кишилар орасида республикамизнинг атоқли шоири Эркин Воҳидов ҳам бор эди. Шифокорнинг шеърларини кўздан кечирган шоир унга «Назм билан жиддий шугулланишни» тавсия этди. Шу тарихи Абдулла Шоносиров ҳам сўзи билан, ҳам сехри қўли билан беоморларга даво улаша бошлайди. Унинг «Ўзбекистон овози» газетасида босилган шеърларини ихлосмандлар илиқ қутиб олишди.

Бугун касби шифокор, иккинчи истеъдоди шоирлик бўлган Абдулла Шоносировнинг шеърларини бизга тақдим этмоқдамиз, азиз оқшомхонлар!

Вилор НИЁЗМАТОВ.

Назм

СЕНСИЗ ШАҲИМАС РОҲАНИ

Қўнғим, сенсиз мудом қоронғу тундай, Еришмағай минг чироқ ёққанда ҳам. Қуёшдан чароғон, бетакдор кундай, Фақат сен этурсан қўнғимни ҳардам.

Сенсиз шаймас бу дунё роҳати Лолзор ҳам сенсиз рангис, юпундир. Бир лаҳза кўрмасам, тугаб тоқаман, Юрагим азобда, лолу маҳзундир.

Сочинг қўнғироғи эрур шаршара, Бўйишма сол уларни эй, дилбора. Улма ёрим, лабимдин лабинг зинҳор, Чикмасин десанг жон, бу тандин зора.

Қошу-қўзларинг ўхшаши йўқ асло, Бетакдордир гўнча лабларинг боли. Чирою-лапофатда ўзинсан танҳо, Эрурсан мен учун пари мисоли.

ИЛТИҲО

Висол чоғи булбул қўлиб гула шохига, Сайраб яна заеву-шаев ила бетиним. Етсанку десам ул гулнинг висолига Қўйлагайман дер энди: «Висол куйларим».

Менам булбул каби куйлайманку бирок, Эрта-кеч фироқинг ўтида ёнаман. Битарку дер ахир бир кун фироқ, Тунлари бедор, азобда тўлғонаман.

Висол ошиқлар учун нақадар ширин, Нишдан қанот бозлаб, кўкка учмаган ким? Ташлабмас ёрим бир бора кўз қириги, Карбалонинг даштларида Мажнун бўлдум.

Яратгандан сўраман сабру-қаноат, Сабр таъди олтин — гап бор болаларди. Фироқинда товланиб севаги-садоқат, Сен томонга учар қўнғим сабақларди.

Умидим бор, бир кун бахтим босиб илгарини, Етказгайдер мени ёрим висолига. Гула ишқиде қўйлаган булбул сингари, Куй бағишлай бир умр ёр иқболни.

Абдулла ШОНОСИРОВ.

Хар йили ер юзиде 4 миллионга яқин ёнгин содир бўлмоқда. У катта миқдордаги давлат ва халқ мулкига йўқ қилмоқда. Ёнгинга бефарқ қараш, маъсулиятсизлик ва қаровсизлик оқибатида минглаб одамларнинг ҳаёт чироғи сўнмоқда.

Хавфсизлик қонун-қоидаларига риоя қилмаслик ва Давлат ёнгинга қарши назорат бўлимларининг талабларини ўз вақтида бажармаслик оқибатида шу йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида республикамиз пойтахтида 663 та ёнгин содир бўлди. Давлатга 6 миллион сўмдан ортиқ зарар келтирилди. 16 киши ҳалок бўлди. 25 киши ҳар хил турдаги қуйиш тан жароҳати олди. Агар биргина Собир Раҳимов туманида содир бўлган ёнгинларни тахлил қилиб кўрсак, ёнгинлар сони 53 тани, моддий зарар 600 минг сўмдан ошганини, 3 киши ҳар хил турдаги қуйиш тан жароҳати олганини кўриш мумкин. Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида содир бўлди. Бу ерларда ёнгин чиқишининг

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ОЧИҚ ТУРДАГИ «TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ (Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси) ЎЗИНИНГ СОБИҚ ХОДИМЛАРИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ:

- ёши туфайли бирлашмадан пенсияга кетган ёхуд бирлашмада камиде 10 йил ишлаб ногиронлиги туфайли пенсияга чиққан пенсионерлар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ва бирлашмада камиде 5 йил ишлаган уларга тенглаштирувчи шахслар;
 - декрет таътилида бўлган ёхуд боласини парваришлайётган ходимлар;
 - бахтсиз ҳодиса оқибатида ишлаб чиқаришда ҳалок бўлган ходимларнинг оилалари;
 - бирлашмани ҳиссадорлик жамиятига айлантириш пайтида ҳарбий хизматга қақирган ходимларнинг оилалари;
 - ўз хоҳишига кўра ёки бирлашмада камиде 10 йил иш стажига эга бўлган ходимнинг штатлар қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилган бирлашма ходимлари;
 - олий ўқув юртиларига ўқув йўлланмалари билан йўлланиши муносабати ила ишдан бўшатилган ва ҳозирги пайтда ўқийётган ходимларнинг имтиёзли тарздаги акцияларини олиш рўйхатига киритиш учун ва номнал қиймати (1000 сўм) бўйича акцияларни сотиб олиш учун шу йилнинг охиригача ўз қорхоналарининг кадрлар бўлимига (акционерлик жамияти ёки алоқа узеллари) мурожаат қилишлари керак.
- Сўнгги икки бандда санаб ўтилган ходимлар ақцияларини фақат уларнинг номнал қиймати бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, Миробод (собиқ Т. Шевченко) кўчаси, 17. Боғланиш телефонлари: 54-17-53, 133-45-19.

19 июнь 1998 й. «ЎЗБЕКНАВО» ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИ 19 июнь 1998 й. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕРНОБИЛЧИЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

«ТУРКИСТОН» САРОЙИ (ёзги бина) СИЗ СЕВГАН САНЪАТКОРЛАР «ЭСТРАДА ЮЛУЗЛАРИ - ЎЗБЕКИСТОН ЧЕРНОБИЛЧИЛАРИГА» МАХСУС ДАСТУРИДА:

Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ва «ЯЛЛА» ансамбли Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раъзоқова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомов Нодира Султонова, «ОСМОН» гурухи, Маълуда Асалхўжаева ва Ровшан Комилов, Даврон Ғоипов, Бахтиёр Султонов, Озода Нурсаидова Отабек Мадррахимов «БАЙРАМ» ва «ШАҲЗОД» гурухлари, ҳамда «ЎЗБЕКИСТОН» ансамбли. Дастурни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Уткир Сиддиқов олиб боради.

Ўзбекистонга келган ҳар бир инсон тўлиқ ишончи қомил билан ўзбеклар жуда чойхўр халқ экан дейишлари аниқ. Бироқ ирландияликлар биздан ҳам кўра чойхўр экан. Америкаликлар эса гўштини жуда кўп ва севиб истеъмол қилишади. Яна тадқиқотларда тасдиқланишича, филинандияликлар қаҳванинг ишқибозли бўлиб, улар қаҳва ичишда дунёда биринчи ўринда туришади. Бир йилда ҳар бир кишига 15 кило қаҳва тўри келади. Булғорияликлар эса

шакархўр экан. Дарвоқе, инглизлар конфетни севиб истеъмол қилишларида ҳеч ким «Биласизми? КИМНИМНИ ЯХШИ КўРАДИ?» бас кела олмас экан.

лар сингари олмага ўч бўлмас керак. Бу давлатнинг ҳар бир фуқароси йилига ўртача 32 килограмм олма истеъмол қилади. Бу борада ўтказилган тадқиқотда немис халқи 25 килограмм олма ейиш билан иккинчи ўринни олишган. Фарангистонликлар эса 21 килограмм олма ей. учинчи ўринни эгаллаб турибди. Зеро, меваларни истеъмол қилиш борасидаги тадқиқотлар яна давом этмоқда. Гулнора ДАМИНОВА тайёрлади.



Шаҳримиздаги мактаблар ҳозирги ёз кунларида ҳам болалар билан гавжум. Бундай масканларда ёш авлодининг ҳордик дамлари мазмунли ўтиши учун соғломлаштириш лагерлари ташкил этилган. СУРАТДА: шаҳримиздаги 16-мактабда муаллима Хурматой Сойипова болаларнинг вақти мазмунли ўтиши учун уларга табиат ҳақида очиқ ҳавода китоб ўқиб бераёпти.

Равиль Альбеков олган сурат.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тизимида «Касб одобномаси талабларига тўла риоя қилмайдиган, хизмат вақолатларидан четта чиқиб ўз мансабларини суистеъмол қилувчи ёки ўз бурчига совуққонлик билан қарайдиган, фуқароларга кўпол муносабатда бўлишдек ноҳуя хатти-ҳаракатлар содир этувчи ходимлар билан шугулланувчи жойларда Ахлоқ, одоб ва интизом судлари ташкил этилган.

Ахлоқ, одоб ва интизом судларига юклатилган вазифа ниҳоятда маъсулиятлидир. Ушбу судлар томонидан тартиб-интизомни бузганликларини ўқинишнинг масаласи кўриб чиқилади. Лекин кўп ҳолларда ходимлар томонидан хизмат интизомини ёки тартиббузарликка йўл қўйилганида хизмат текшируви ўтказилар буйруқлар билан ходим жазоланади. Жамоат тасирига кам эътибор берилганда, Шундан сўнг айрим ходимлар томонидан берилган жазога норозиликлар келиб чиқади. Агар бундай ҳолатлар юқоридаги судлар томонидан кўриб чиқилса, суд иши чуқур ўрганиб, жамоатчилик фикрини билиш орқали ҳаққоний ҳарор қабул қилиши мумкин.

Яқинда Андижон шаҳрида ИИБ тизимларининг Ахлоқ, одоб ва интизом судлари фаолияти ва уни янада яхшилаш борасида семинар-кенгаши бўлиб ўтган. Унда Тошкент шаҳри ИИББ вақиллари ҳам ишти-

«02» АХЛОҚ, ОДОБ ВА ИНТИЗОМГА БАҒИШЛАНДИ

рок этиб яхши таассурот билан қайтишганди. Семинар-кенгашдан сал кейин пойтахтликлар Мирзо Улугбек тумани ИИБСида худди шундай анжумани тўқизишди. Унда ИИББ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги А. М. Когай, ШТБХ бошлиғи ўринбосари, милиция

кўрсатилганидек ишдан бўлатишгача жазо белгиланган. Ёнгиндан сақлаш бошқармасида судлар ишига бир қатор жиддий ёндашилмоқда. Мисол учун бу бошқармада интизомни бузган ходим Низомда кўрсатилганидек моддий томондан жазоланади. Яъни, иш ҳақининг 40 фоизигача ушлаб қолинади.

Семинар-кенгашда бир қатор тақлифлар киритилди. Жумладан, судларнинг таъсир чорасини ошириш учун масаласи кўрилатган ходимнинг ота-онаси, яқин қариндошлари судга тақлиф қилинади. Бундан кейин судлар таркибига фаришлардан ҳам аъзоларни киритиш лозимлиги айтилди. Яъни ишлаган суд расуларини рағбатлантириш, аксинча суфт фаолият олиб бориб, ходимлар ўртасида судлар обрўсига пугур этишига олиб келганларни жазолаш тақлифлари киритилди. Қолаверса, суд аъзоларини минтақавий ўқитиш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилди.

Уйлаймики, бундай таъсир чоралари ва бошқа олиб борилаётган ишлар ички ишлар идоралари ходимлари ўртасидаги тартиб-интизомни мустаҳкамлашга ижобий таъсир этиб, Ахлоқ, одоб ва интизом судлари фаолиятини янада яхшилаيدди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ Tashkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Манзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар - 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.